



ЖАЛЛІК СЎЗ



1991 йил 1 январдан
чиқа бошлаган

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг газетаси

20 июль, пайшанба, 1995 йил
Сотувда эркин нархда. № 138 (1140)

ПРЕЗИДЕНТ ҲУЗУРИДА ҚАБУЛ



СУРАТДА: қабул пайти.

19 июль куні Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Буюк Британиянинг «Юнимед» мустақил ахборот мақамаси мухбирлари Таиза Боск ва Эдريان Бэннокни қабул қилди.

Ислам Каримов журналистларни юртимизга ташрифи билан қутлаб, уларга мамлакатимизда бозор иқтисодига ўтиш, халқаро ҳамжамият билан интеграциялашув йўлида амалга ошириладиган ишлар ҳусусида сўзлаб берди. Уларни қизиқтирган саволларга жавоб қайтарди.

Буюк британиялик журналистлар «Таймс» газетаси буюртмасига кўра, мақолалар тайёрлаш учун мамлакатимизга ташриф буюришганини тасдиқлаб, бир ҳафта давомида Ўзбекистонда амалга ошири-

лаётган улкан ўзгаришлар билан танишганларини қайд этдилар.

Қабул маросимида Президентнинг Матбуот котиби Мурод Муҳаммад Дўст иштирок этди.

(ЎЗА).

ОСИЁ ОЛИМПИАДА КЕНГАШИ МАКТУБИ

Осиё Олимпиада кенгаши (ООК) 1995 йил 2-9 сентябрь кунлари Тошкентдек гўзал шаҳарда Марказий Осиёнинг беш республикаси — Қозғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркменистон ва Ўзбекистон иштирокида ўтадиган биринчи Марказий Осиё ўйинларининг юзага келишини мамнуният билан табриқлайди.

Биз бу мамлакатлар спортчиларининг Осиё чемпионатларида ва яқинда Хирсимада бўлиб ўтган 12-Осиё ўйинларидаги иштирокини зўр мамнуният билан кузатган эдик. Шунингдек эътишом лозимки, уларнинг Осиё спорт жамиятига қўшилиши Осиё спортни даражасини анча кўтарди.

Ўзбекистон Республикаси Миллий олимпиада қўмитаси ўз зиммасига биринчи Марказий Осиё ўйинларини ўтказишдек қўйин вазифани олган экан, ишончим комилки, уларнинг тажрибаси ва билими тўғрисида бу ўйинлар мисли қўрилмаган даражада муваффақиятли ўтади. Бу ҳаракатни англагани ва қўллаб-қувватлагани учун Ўзбекистон халқидан ҳам миннатдорман. Ўйинларда иштирок этадиган беш мамлакат спортчиларига янги-янги муваффақиятлар тиламан.

Шайх Аҳмад ал-Фаҳад ал-Сабоҳ, Осиё Олимпиада кенгаши президенти.

ЎЗБЕКИСТОН: ИСТИҚЛОЛ ОДИМЛАРИ

«Халқ сўзи» ва ўзА мухбирлари хабар қилдилар

ҲАЗИНИЙ УЙ-МУЗЕЙИ ОЧИЛДИ

Учкўприк туманидаги Кенасас қишлоғида XIX аср охири ва XX аср бошида яшаб ижод этган таниқли шоир Ҳазинийнинг уй-музеи оchildи.

Фарғона вилоят ҳокимлиги ҳомийлигида ташкил этилган бу уй-музейда Ҳазинийнинг шажараси, унинг баёзлари, яқинда топилган қўлёзмалари, шоирнинг дутор ва танбури ва шахсий буюмлари билан танишиш мумкин. Бу ерда, шунингдек, маънавият ва қадриятларни ўрганиш маркази, ёш раёсмонлар асарлари кўргазма заллари, чойхона ва масжид ҳам бор.

Уй-музейнинг очилиши маросимида вилоят ҳокими М. Исламов қатнашди.

... ЖАПОЛҚУДУҚДА ҲАМ

Анджон вилоятининг Жалоқудуқ тумани маркази — Охунбобоев шаҳрида ўлкашунослик музейи оchildи.

Янги маданият ўчоғини барпо этишда туман механизациялашган кўча колоннаси қурувчилари, наққош усталар ва мўйқалам соҳибларининг ҳиссаси катта бўлди. Уни жиҳозлашда ва экспонатлар тўплашда Анджон вилоят ўлкашунослик музейи ходимлари ва мутахассислари ёрдам берди.

ҲАМКОРЛИК МАСАЛАЛАРИ МУҲОКАМА ЭТИЛДИ

19 июль куні Ўзбекистон Бош вазири ўринбосари Юрий Пайгин мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган Хиндистон геология ва тоғ-кон саноати вазири Балрам Сингх Иадав раҳбарлигидаги делегация аъзолари билан учрашди.

Ю. Пайгин меҳмонларга республикада амалга ошириладиган иқтисодий ислохотлар, ҳуосан, тоғ-кон саноатини ривожлантириш соҳасида қилинаётган ишлар ҳақида сўзлаб берди. Ҳукуматимиз халқ ҳўжалигининг бошқа соҳалари қатори мазкур соҳага катта эътибор қаратаётганини тасдиқлади.

Жаноб Б. Иадав Хиндистон ушбу соҳада катта тажрибага эгалигини қайд этар экан, кўшма корхоналар ташкил қилиш ва мутахассислар малакасини оширишда Ўзбекистон билан ҳамкорлик узаро манфаатли бўлишини тасдиқлади.

Шу куні Хиндистон делегацияси аъзолари республика Бош вазири ўринбосари, ташқи иқтисодий алоқалар вазири Ҳ. Султонов билан ҳам учрашди.

(ЎЗА).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТНИ ЯНАДА ЭРКИНЛАШТИРИШ ТЎҒРИСИДА

Ташқи иқтисодий фаолиятни эркинлаштириш жараёнини кучайтириш, экспорт-импорт операцияларини амалга ошириш механизминини соддалаштириш, республикага хорижий сармоялар оқимини рағбатлантириш ва озиқ-овқат маҳсулотлари импорти соҳасида рақобат муҳитини вужудга келтириш мақсадида:

1. Белгилаб қўйилсинки, Ўзбекистон Республикасида нотариф қоралардан тариф асосида тартибга солиш қоралари сари босқичма-босқич ўтиш ташқи иқтисодий фаолиятни янада эркинлаштиришнинг асосий йўналиши ҳисобланади.
2. Ўзбекистон Республикасининг Вазирлар Маҳкамаси:

— Ўзбекистон Республикасида ташқи савдонинг тариф ва нотариф асосида йўлга қўйиш тартибини белгиловчи ҳукумат қарорини бир ҳафта муддат ичида қабул қилиб, бунда меъёрланадиган ва лицензияланадиган товарлар рўйхати анча қисқартирилишини кўзда тутсин;

— тариф асосида тартибга солиш қоралари юзасидан қарорларни тезкорлик билан қабул қилиш мақсадида божхона ҳақи ставкаларини кўриб чиқувчи идоралараро комиссия тузилсин, Комиссия заруратга қараб божхона ҳақи ставкаларини ўзгартиришга оид тақлифларни Вазирлар Маҳкамасининг тасдиқлаши учун тақдим этсин.

3. 1994 йил 21 январдаги 745-сон Фармоннинг товарлар импортидан бож ҳақи олишни бекор қилишга оид 14-бандининг амал қилиш муддати 1995 йил 1 октябргача узайтирилсин.

4. Шу нарса белгилаб қўйилсинки, давлат эҳтиёжлари учун асосий озиқ-овқат маҳсулотлари импортини нодавлат мулкчилик шаклига асосланган ташқи савдо фирмалари тендер шартлари асосида амалга оширадилар.

Давлат эҳтиёжлари учун асосий озиқ-овқат маҳсулотларини импорт қилувчи ташқи савдо фирмаларини давлат йўли билан рўйхатга олиш вазифаси Ўзбекистон Республикасининг Адлия вазирлиги зиммасига юклансин.

Юқорида кўрсатиб ўтилган фирмаларга Ўзбекистон республика валюта биржасида пул алмаштиришда устун ҳуқуқ берилсин.

5. Белгилаб қўйилсинки, 1994 йил 21 январдаги 745-сон Фармоннинг меъёрлашга, лицензиялашга, бож ҳақи ва экспорт чеклашларига тааллуқли 3, 4, 5, 6-иловаларининг амал қилиши Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарори чиққан пайтдан бошлаб ўз кучини йўқотди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1995 йил 19 июль.



«Ғалла—95»

ЭЛ РИЗҚИГА ЧАНГ СОЛМАНГ

Бугун ҳаммамизни нисоҳи мамлакатимиз ҳудудларида тикланган ғалла хирмонига қаратилган. Ёшинг ҳам, қарини ҳам, дусту душманнинг ҳам, афсуски... ўрининг ҳам.

Жиззах вилояти прокурори, адлия катта маслаҳатчиси Д. Соибов мухбиримизга ғалла ўрми-йиғимнинг манфий ва мусбат қирралари ҳақида гапириб берди.

— Бу йил деҳқоннинг хирмони ҳам, кўнгли ҳам тоғдек кўтарилган. Далаларда ҳали-ҳануз ҳосил йиғиштириб олинмоқда. Утган йилги режалар, йил бўйи ўқилган пешона тери ўз самарасини берди. Айниқса, ҳўжалик юртишимизнинг янча йўналишлари, ерга бўлган ҳўжайинлик туйғуси, истиқлол ифтихори ўз кучини кўрсатди. Зеро, бу қувонч фахрининг барчаси бугунги кунда муқтадил мамлакатимизда олиб бориладиган оқилна снбсатнинг натижасидир.

Эсингизда бўлса, ўтган йили кузакда юртбошимизнинг экинларини пайҳон қилишга қарши кураш бўйича фармон чиққан эди. Жойларда бу фармон тезла аксе-сало берди, айниқса, бундан деҳқонлар хурсанд бўлишди. Турни-ла, илгарилари кузда сочылган уруннинг катта қисми оёқ ости қилинар, пайҳон этилиб, баъзида қайта экишга мажбур бўлинарди. Бунинг учун қанча меҳнат, сарф-ҳаражат зарур. Аслида деҳқоннинг шу давргача касаси оқармаганлигининг асосларидан бири ҳам шу эди. Кўнчилиқ давлат ва мамурий орталари ходимлари сингари биз ҳам деҳқонга маълумкор бўлишга шўшилдик. Вилоят бўйича экинларни пайҳон қилишга қарши кураш пайнда бормоқда. Пахтакор, Дўстлик, Арнасой, Ғаллаорол туманларида бир қатор шахслар устидан жиний ишлар кўзгатилиди. Жумладан, Пахтакор тумани бурлоқчилик базисининг 400 дан зиёд қорамоли ижара-ширкат бирлашмасининг 8 гектар буюдозорини пайҳон қилиб, ҳўжаликка 184 минг сўмлик моддий зарар келтирган. Умуман, шу масала бўйича прокуроримизнинг қарорлари билан 50 киши, жумладан, 4 нафар мансабдор шахс маъмурий жавобгарликка тортилди. Етказилган зарарларни ундириш мақсадида 299 минг сўмлик давло аризалари қўзғатилди ва уларнинг 276 минг сўми ундирилди.

Бу фактларни келтиришимнинг боиси шулки, бугунги хирмонларимиз ўз-ўзиндан пайдо бўлгани йўқ. Бу мамлакатимиз бўйича олиб бориладиган таърикий ривожланишнинг, режаларни кураш ва меҳнатнинг, аниқроғи, узққ истиқболнинг қўллаб қўлинаётган савий-ҳаражат меъваридир. Биз бунинг янги пайтдаги, янги ғалла ўрми-йиғимдаги фидойиликкагина йўсайак хато бўлади. Турни, ҳозир ҳам шижоатли меҳнат кетаётган, ҳўжаликлар, туманлар галаба рапортга бирин-кетин имзо чекишмоқда. Вилоятимиз ҳам давлат планини бажарди. Вилоят тарихида биринчи бор 165 минг тонналик хирмон яратилди. Гурӯҳ курмакени бўлмаганидек, бутун эл-юрт ҳосилини қисқа муддатларда исофпарчиликсиз йиғиштириб олиш пайнда шижоат кўрсатаётган бир пайтда ўз манфаати йўлида қингир ишга қўл урган кимсалар ҳам, афсуски, орамизда учраб турибди. Шу йил 7 июнда Арнасой туманидаги «Фарғона» ҳўжалиги иш-

чиси К. Турдиев 250 кг буюдоини ўғирлаганили учун жиний иш қўзғатилди. Зомин тумани, «Молгузар» ижара-ширкат уюшмаси бригадари У. Маматов 1900 кг арпани уйига ноқонуний тарзда олиб кетаётганида қўлга тушди. Шунингдек, Мирзачўл тумани, «Ўзбекистон» ҳўжалиги сувчиси З. Абдуллаев, Ғаллаорол тумани, «Ғаллаорол» агрофирмаси қорувли Л. Норқудов, Мирзачўл тумани, «Ўзбекистон» ҳўжалиги механизми Т. Етсоевлар ҳам турли миқдордаги буюдоини ўғирлаш ва яшириб қўйишда айбланиб, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг муайян моддалари бўйича жиноят иши қўзғатилган.

Шу йил 9 июль куні М. Қаҳҳорова исмли шахс Жиззах тумани, У. Хотамов номли ижара-ширкат уюшмаси 12-бригадасининг 0,55 та буюдозорига ўт қўйиб юборди ва ҳўжаликка 4860 сўм зарар келтирди. Кейин аниқланишича, М. Қаҳҳорова Уйчи тумани Қизилорол қишлоғида туғилган, ҳеч жойда ишламас экан. Айни пайтда у тергов бормоқда.

Умуман, ғалла ўғирларига қарши кураш давом этмоқда. Вилоят ҳокимлиги, шахсан ҳоким А. Тошкентбоев ушбу курашнинг бошида турибди. Ҳадемай улкан режалар ҳам бажарилади. Аммо халқимизнинг риқ-насибасига қанг солган кишини қонуни кечирмайди. Қонун ҳимоячилари эса дала баҳоқиллари — асл деҳқонларнинг манфаати учун, мамлакатимизнинг ғалла муқтадиллигини йўқлатиш снбсатини қўллаб-қувватлаш, унинг ҳуқуқий асосларини муҳофаза қилиш учун бундан кейин ҳам ўз куч-гайратларини аямлайдилар.

«Халқ сўзи» мухбири Э. БОЛИЕВ ёзиб олди.

КОРХОНА ЎЗЛАРИНИКИ БЎЛГАЧ...

Бундан бир неча ой муқаддам Самбурқанд туманидаги қишлоқ ҳўжалик техникаларини таъмирлаш корхонаси очқ турдаги «Оҳангар» ҳиссадорлик жамиятига айлантирилган эди. Ҳар бирнинг қиймати 400 сўм бўлган 1543 дона акциянинг 60 фоиз корхонанинг илчи-хизматчиларига сотилди. Бу эса ўзларини корхонанинг ҳақиқий эгалари сифатида ҳис қила бошлаган илчи-хизматчиларини янада шижоат билан меҳнат қилишга рағбатлантирди. Натияжада ўтган қисқа вақт давомида ишлаб чиқаришда сезиларли силкинилар қўзғатилана бошладилар.

СУРАТДА: халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш цехи қалгангари Тоҳир Асроров ва технолог Маматқул Пирмаҳмедов.

ЙИПНИНГ ЭНГ ЯХШИ МАКТАБИ

Богот туманидаги Феруз номида ўрта мактаб «Йилинги энг яхши мактаби» кўрик-танловига галиби бўлди.

Бу ўқувчиларнинг билим савиясини оширишда янги услубларни қўллаш, тарбиянинг турли шаклларида унумли фойдаланиш, ёшларни меҳнатга, Ватанга муҳаббат руҳида тарбиялаш, уларнинг бўш вақтларини мазмулли ташкил этиш борасида эришилган муваффақиятлар натижаси бўлди.

РАҲБАРЛАР ИМТИҲОНДАН УТМОҚДА

Панажон вилояти ҳокимлиги корхоналар, муассасалар, уларнинг бўлинмалари раҳбарларини тест сновидан ўтказишни ташкил қилди.

Бу — уларнинг ишчанлик фазилятларини, дунёқарани доирасини, иқтисодиётда юз бераётган ўзгаришлар жараёнида ишлаш қобилиятини, давлатимиз ва вилоят тарихини қанчалик билишини яхшироқ аниқлашга имкон беради. Тест сновлари бошланишидан олдин вилоятнинг барча туманлари, шаҳарлари ҳокимликларидога ходимларнинг ижтимоий-снбсый ва иқтисодий ўқуви ташкил этилди.

МИЛЛИЙ ЛИБОСЛАР КУРИГИ

Термиздаги дарё порти клубида Сурхондарё вилоят хотин-қизлар қўмитаси ташаббуси билан келин-куёвларнинг энг яхши либоси кўрик-танловига ўтказилди.

Унда вилоятнинг барча шаҳар ва туманларида танланган шундай либослар намойиш этилди.

Денов шаҳри келин-куёвлари либослари биринчи ўринни олди.

ТАДБИРКОРЛАР СЕМИНАРИ

Германиянинг «Сименс Шисдорф» фирмаси Тошкентдаги ваколатхонасида тадбиркорлар семинари иш бошладилар.

Семинарда Ўзбекистондаги саккиз фирма вакиллари иштирок этмоқда. Уч кун давом этаётган мазкур анжуманда махаллий мутахассислар замонавий технология соҳасидаги билим-малакаларини оширишлар. Ўзбекистонлик ишбилармонлар фирма фаолиятини, технология ва ҳисоблаш техникаси соҳасида эришилган ютуқлар ҳақида жўхон электроника бозоридоги вазиет билан танишдилар.

— Бизни қанчалик яхши билсалар, ҳамкорлик қилишга истак шўнча кучаяди, — дейди фирма вакили Ян-Хенгрик Бухман. — Семинардан қўзғалаган мақсадимиз — ишончли шерикларни ҳамкорликка жалб этиш. Ўзбекистондаги иқтисодий барқарорлик ва Президент Ислам Каримов олиб бораётган оқилна снбсат узаро манфаатли ҳамкорлик учун қўлай шароитлар туздиришмоқда.

(ЎЗА).

Марказий Осиё республикалари газеталарининг бош муҳаррирлари — 14-16 июль кунлари Бишкек ва Чўлпон ота шаҳарларида (Қирғизистон) бўлиб ўтган халқаро семинар иштирокчилари

— ушбу минтақа халқларининг ўзаро ишончи ва бир-бирини англашни кучайтиришга кўмаклашиш; — ахборот алмасув соҳасида ҳамкорликни оширишнинг аҳамиятини тушуниб етиб; — барча шаклдаги ахборотларнинг эркин ҳамда кенг тарзда тарқалмоғи учун кучларни бирлаштиришни зарурлигини ҳисобга олиб; — умумий ахборот ху-

МАРКАЗИЙ ОСИЁ БОШ МУҲАРРИРЛАРИ АССОЦИАЦИЯСИНИ ТУЗИШ ҲАҚИДА БАЁНОТ

— инфорацион ҳамкорлик қилиш соҳасида янги йўналишларни ўрганиш ва ситалари вакилларининг профессионал фаолият кўрсатиши учун зарур шарҳ-шартлар билан олинган бундай маълумотларни ҳар бир мамлакат ОАВ вакиллари тарқатишини таъминлаш; — ташкилотлар ўртасидаги келишувлар доирасида ахборот узатиш билан боғлиқ техник ускуналар бўйича мутахассислар, журналистларнинг ўзаро тажриба алмашиш учун таклиф этилишларини қўллаб-қувватлаш; — ҳозирги замон долзарб масалаларини ҳал қилишда минтақанинг журналистлари ҳамкорлиги ва уюштирилиши муҳим шартли сифати-



топиш мақсадида оммавий ахборот воситалари делегацияларининг ўзаро алмашишини таъминлаш; — оммавий ахборот воситалари вакилларининг профессионал фаолият кўрсатиши учун зарур шарҳ-шартлар билан олинган бундай маълумотларни ҳар бир мамлакат ОАВ вакиллари тарқатишини таъминлаш; — ташкилотлар ўртасидаги келишувлар доирасида ахборот узатиш билан боғлиқ техник ускуналар бўйича мутахассислар, журналистларнинг ўзаро тажриба алмашиш учун таклиф этилишларини қўллаб-қувватлаш; — ҳозирги замон долзарб масалаларини ҳал қилишда минтақанинг журналистлари ҳамкорлиги ва уюштирилиши муҳим шартли сифати-

да барча турдаги ахборотлар билан ўзаро алмашишув. Марказий Осиё республикалари газеталарининг бош муҳаррирлари Ассоциацияси аъзолари бу янги ташкил этилган ташкилотнинг дастурий ҳужжатларини ишлаб чиқадилар. Ассоциация мақсад-режалар, олдинда турган вазифалар, ҳамкорлик шакллари ҳамда бошқа масалалар аниқлаб берилган ушбу ҳужжатлар асосида фаолият кўрсатади. Ассоциация Марказий Осиё минтақасининг бошқа бош муҳаррирлари учун ҳам очик.

Баёнот 1995 йил 16 июлда Бишкекда қабул қилинди.

Қадрли ҳамкасблар! Мамлакатларимизда рўй бераётган оламшумул ўзгаришларнинг муваффақиятлар амалга ошириш кўп жиҳатдан бизга ҳам боғлиқ.

Умумий ахборот хушудини ташкил этиш мамлакатларимизнинг иқтисодий, маданий ва маънавий соҳадаги ҳамкорлиги ҳамда халқларимиз тараққиётини таъминлайдиган ҳал қилувчи омиллардан бири саналади. Мамлакатларимизнинг мустақилликка эришиши тўғрисида ўзаро ахборотларни изчил тартибда алмашиб туришни кўп қиррали ва аниқ механизмни тақомиллаштиришга катта эҳтиж тўғрисида.

БИШКЕК АНЖУМАНИДА ИШТИРОК ЭТГАН ҚОЗОҒИСТОН, ЎЗБЕКИСТОН, ҚИРҒИЗИСТОН БОШ МУҲАРРИРЛАРИНИНГ МАРКАЗИЙ ОСИЁ МИНТАҚАСИДАГИ БАРЧА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ВАКИЛЛАРИГА МУРОЖААТИ

Халқларимиз ЮНЕСКО қарорига кўра, Манаснинг 1000 йиллиги, Абайнинг 150 йиллиги, шунингдек, Амир Темурининг келгуси йили бўладиган юбилейини билан биргаликда нишонлайдилар. Бу ҳол бизнинг бирлигимиз ҳамда кўнгилларимиз кўнгаларимизга яқинлигининг яна бир эркин далилидир. Жамиятда рўй бераётган жараёнлар моҳиятини фақат матбуотгина очиб бера олади.

Матбуот жамият ва ҳуқуматни бир-бирига боғловчи муҳим ҳалққадир. Оммавий ахборот воситаси ходимининг масъулияти, объективлиги, принципиаллиги, ҳалоллиги жамиятнинг булғаниши ва келажагига сезиларли даражада таъсир кўрсатади.

Мамлакатларимиздаги барча оммавий ахборот воситаларининг ўзаро ҳамкорлигига кўмаклашиш, миллатлараро тинчлик, минта-

қадаги барқарорлик устивор бўлмоғини таъминлаш мақсадида биз — уч кўнги давлат нашрларининг бош муҳаррирлари сиз, азиз ҳамкасбларга мурожаат қиламиз:

— Ижодий имкониятларимиз, касб маҳоратимизни давлатларимизда рўй бераётган иқтисодий ва ижтимоий жараёнларни амалга ошириш йўлида халқларимизни бирлаштиришга сарфлаш; — турли хил миллий ва

бошқа худбиндик иллатларига, маҳаллийчилик, сийсий экстремизмга қарши кураш, яхши қўшничилик ва халқларимизнинг ағъанавий борди-кедичилик имкониятини кенгайтириш, тараққий топтириш; — мамлакатларимиз аҳолисига кўп қиррали, объектив ахборотлар етказишлари учун кенг ва эркин имкониятлар яратиш, узоқ муҳлатли негиз ҳамда ташкил этилажак ахборот тизимла-

КИРҒИЗИСТОН

РАМАТОВ Қурманбек, «Кыргыз Туусу» газетаси Бош муҳаррири.

МАЛЕВАННИЙ Александр, «Слово Кыргызстана» газетаси Бош муҳаррири.

АЙДАРКУЛОВ Мелис, «Эркин Тоо» газетаси Бош муҳаррири.

КАПАРОВ Нурали, «Кыргыз маданияты» ҳафта-номасининг Бош муҳаррири.

МУСТАҒОБОВ Ҳасан, «Вечерний Бишкек» газетаси Бош муҳаррири.

СЕКСЕНБАЕВ Бакай, «Чуй баяны» газетаси Бош муҳаррири.

БЛИДИНА Антоина, «Чуйская известия» газетаси Бош муҳаррири.

КОНОКБАЕВ Талант, «Кутбын» ҳафтаномаси Бош муҳаррири.

РАЕВ Султон, «Кыргыз Руху» ҳафтаномаси Бош муҳаррири.

АБИКЕЕВ Чолпонбек, «Аалам» газетаси Бош муҳаррири.

СУЛТАНБАЕВ Абдыкадыр, Қирғизистон Республикаси Журналистлар уюмчаси раиси.

КОЗОҒИСТОН

ОРАЗАЛИН Нурлан, «Эгемен Казахстан» газетаси Бош муҳаррири.

ДИЛЬДЯЕВ Григорий Григорьевич, «Казахстанская правда» газетаси Бош муҳаррири.

ЖАКСЫБАЕВ Ахат, «Казак адабиети» газетаси Бош муҳаррири.

СМАЙЛОВ Камал Сейтжанович, Қозоғистон Журналистлар уюмчаси раиси.

ЎЗБЕКИСТОН

ЖУРАБОВЕВ Анвар, «Халқ сўзи» ва «Народное слово» газеталари Бош муҳаррири.

Азим СУЮН, «Ўзбекистон овози» газетаси Бош муҳаррири.

САФАРОВ Рубен Аковович, «Правда Востока» газетаси Бош муҳаррири.

СЕЙДАНОВ Қадлибек, «Нурли жол» газетаси Бош муҳаррири.

ЭРНАЗАРОВ Эркин, «Тошкент оқими», «Вечерний Тош-


кент» газеталари Бош муҳаррири.

МЕЛИБОВЕВ Аҳмаджон, «Ўзбекистон адабиети ва санъати» газетаси Бош муҳаррири.

ЎКУБОВ Незмат, «Қишлоқ ҳақиқати» газетаси Бош муҳаррири.

КАБИРОВ Лутфулла, Ўзбекистон Журналистлар уюмчаси раиси.

НИЗОВ Шавкат, «Овози тожик» газетаси Бош муҳаррири.



РОССИЯ ИСТАГИ МАЪҚУЛПАНДИ

Умумжаҳон савдо ташкилотининг Женевада бўлиб ўтаётган мажлисида Россиянинг ушбу ташкилотга аъзо бўлиш тўғрисидаги аризаси муҳокама этилди.

Бу масала билан шуғулланувчи ишчи гуруҳи Россиянинг бу истагини бир овоздан маъқуллади. Аини пайтда УСТга жаҳоннинг 100 та мамлакати аъзо.

БМТ МИССИЯСИ ОРТИҚЧА ЭКАН...

Босния ташқи ишлар вазир М. Шакир-бей БМТ миссияси мамлакат ҳудудидан имкон қадар тезроқ чиқиб кетиши кераклигини айтиди.

У Босния ва Герцеговинада БМТ миссияси ортиқча эканини, агар ўз ихтиёрлари билан чиқиб кетмасалар, ноябрь ойи охирида уларга қарши куч ишлатишга мажбур бўлинажанини таъкидлади.



СУРАТДА: Варшава.

ЎЗНИНГ ЖАЗИРАМАСИ — ЖОННИНГ ОФАТИ

Америка Қўшма Штатларида бу йил Ўз жуда иссиқ келди.

Маълум бўлишича, жазирама Ўз ва юксак ҳарорат натижасида рўй берган фалокатлар оқибатида ҳалок бўлган америкаликлар сони 202 нафарга етган.

РАДИОАКТИВ ЧИҚИНДИЛАРНИ КҮМИШГА ҚАРШИ НОРОЗИПИК

Мексиканинг АҚШ билан chegaradosи Сьерра-Хуарес шаҳрида АҚШ маъмуриятининг Техас штатида радиоактив чiqиндиларни кўмиш ҳақидаги қарорига қарши оммавий норозилик намойиши бўлиб ўтди.

Намойиш иштирокчилари Рио-Гаранде дарёсидан 25 километр узоқликда бўлган Сьерра-Бланко туманида йирик «Ядровий қабиристон» қуриш лойиҳасининг амалга оширилиши инсон саломатлиги ва атроф-муҳит учун гоят хавфли оқибатларга олиб келишини таъкидладилар.

НАРХЛАР ТҮЛИК КИРИНЛАШТИРИЛДИ

Тожикистонда июль ойи охиригача нархлар тўла эркинлаштирилди.

Республика Бош вазири Жамшид Каримов Жаҳон банки миссияси вакиллари билан учрашувда шунини маълум қилди.

Бош вазир мамлакат ҳуқумати республика халқ ҳужалиги мажмуасини иқтисодий ислоҳ қилиш юзасидан талай ҳужжатлар тайёрлаб қўйганини таъкидлади. Улар орасида хизмат кўрсатиш соҳасини хусусийлаштириш, маъсулот-хонашай ҳамда жамғарма биржаларини барпо этиш ва улар ишини жонланттириш, шунингдек, нархларни тўла эркинлаштириш юзасидан дастур мавжуд.

Аини пайтда Тожикистонда нон ва нон маъсулотларига давлат қаралари бериш амал қилмоқда.

САВДО АПОКАЛАРИ КЕНГАЙТИРИЛМОҚДА

Япониядаги электроника маъсулотлари ишлаб чиқарувчи «Маусута Дэнки» компанияси Шарқий Европа давлатлари билан савдо алоқаларини кенгайтириш нишатида.

Компания шу мақсадда кейинги йилларда бу ҳудуддаги дўконларини уч баробар кўпайтиришни режалаштирган. 1997 йилда Шарқий Европа мамлакатларида «Маусута Дэнки» компаниясининг 750 та йирик дўкони фаолият кўрсатади.

БОСНИЯ ВА ГЕРЦЕГОВИНАГА БОҒЛИҚ МАСАЛАЛАР МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Лондонда Буюк Британия, АҚШ ва Франция Ҳарбий кучлари штаби бошқарушининг Ўшқ эшик ортидаги учрашув бўлиб ўтди.

Унда Босния ва Герцеговинадаги вазият билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди. Иштирокчилар беш соатдан кўпроқ давом этган мунозаралар сўнг журналистларга ҳеч қандай баёнот бермадилар.

АСПАҲАХОНАДАГИ ПОРТЛАШ

Рио-де-Жанейро яқин оролдаги Бразилия ҳарбий-денгиз кучларига қарши аслаҳахонада бир неча бор кучли портлаш юз берди.

Маҳаллий телевидениенинг маълумотига кўра, портлаш 90 минут давом этган ва қурол-яроғ омбори устида улкан сунъий булут ҳосил бўлган.

• Долзарб мавзу

— Сиз бир неча йилдан бунён эришлари билан шуғулланиб келаятган мухтаassisи сифатида мамлакатимизда ҳозир амал қилаётган ер солиғи ҳусусида нима дея оласиз?

— 1993 йил 6 майда Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши «Ер солиғи тўғрисида» Қонун қабул қилган эди. Унга қура, саноат, транспорт ва бошқа ноқилш ҳўжалик корхона-ташкилотлари ҳамда фуқаролар 1994 йилнинг 1 январидан, қишлоқ ҳўжалик корхона-ташкилотлари эса 1995 йилнинг 1 январидан бошлаб ер солиғи тўлаи бошладилар. Қонуннинг 1-моддасида: «Ер солиғининг микдори ер ағалари ва ердан фойдаланувчиларнинг ҳўжалик фаолияти натижаларига боғлиқ бўлмайдиган ҳамда ер майдонини бирлиги учун белгиланган ҳақ тарзида тўлаиш, ишлаб чиқариш ҳаражатларига киритилмайди», дейилган. Яъни, фуқаро, корхона фойдаланувчиси ёки йўқми, бундан қатъи назар, солиқ умумий ер майдонидан ундирилади. Ва, Қонуннинг 4-моддасига мувофиқ, ер солиғидан келадиган ва маблағ маҳаллий бюджетга тушади ҳамда, энг аввало, ерни муҳофаза қилишга, унумдорлигини оширишга, ирригация-мелиорация ишларини ташкил этишга, давлат ер кадастри юритиш, ҳудудни ижтимоий ривожлантиришга сарфланади.

— Ҳар қандай қонун ижроси билан кучли. Уни амалда жоний этиш эса жандий тайёргарликни талаб этади. Утган бир йиллик жараён нималарни кўрсатади?

— Ер солиғини жоний этишда муаммолар ҳам пайдо бўлди. Ҳар қандай солиқ, ҳусусан, ер солиғи объектларининг тўлиқ ҳисобга олинганлигига асосланади. Бирок, республикамизнинг қишлоқ жойларига ер ҳисоби бир қадар қониклари олиб борилган бўлса-да, шаҳар ва шаҳарчаларда бу ҳисоб умуман йўқ. Ушбу муаммоларни бартараф этиш мақсадида 1994 йил 31 декабрда Вазирлар Маҳжамасининг «Ўзбекистон Республикасида фойдаланиладиган ерларни ялпи рўйхатдан ўтказиш тўғрисида»ги қарори юзга келди. Қарорда Қоракўлпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларига Қишлоқ ҳўжалиги вазирлиги «Узгедесия» бошқармаси ҳамда республиканинг бошқа вазирлик ва идораларининг ихтисослаштирилган ташкилотларини жалб этиб, 1995 йилнинг биринчи ярмида шаҳарлар ва шаҳарчалардаги барча корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар фойдаланган ер майдонларини ялпи рўйхатдан ўтказиш топирилган. Бирок, баъзи шаҳар ва шаҳарчаларда маблағ йўқлиги баҳона қилиниб, ерлар фойдаланувчилар маблағи ҳисобига рўйхатдан ўтказилмоқда. Бу ер фондиди тўғри ҳи-

собида олишда турли чигалликлар келтириб чиқариши мумкин. Қолаверса, бундай йўл тутиш қоронғи қарорга мўлқоқ эидир. Вақолаки, Вазирлар Маҳжамасининг 1994 йил 31 декабрдаги қарори 4-бандида «Белгилаб қўйилсинки, шаҳарлар ва шаҳарчалар ерларини рўйхатдан ўтказиш ишлари маҳаллий бюджет ҳисобига амалга оширилади. Республика ва вилоятларга бўйсунувчи шаҳарларнинг ҳамда туманларнинг ҳокимликлари ўшбу мақсадлар учун маҳаллий бюджетдан зарур маблағларни ажратсинлар» деб аниқ эзиб қўйилган.

— Айдарбек Аҳметович, фуқаролар томорчаси ва бошқа ерлар учун солиқ мейёрларини белгилаш нималарга асосланади?

— Ўзбекистонда ер солиғини жоний этиш учун жиддий тайёргарлик ишлари олиб борилди. Ер фонди ўрганилиди, солиқ мейёрлари, иқтисодий кўрсаткичлари таҳлил этилди. Айтайлик, шаҳар маркази билан унинг четигадаги ер майдонлари учун солиқ мейёри бир хил бўлиши мумкин эмас. Шу боис Тошкент шаҳри 14 табакага, йирик шаҳарлар 4 табакага, ўрта ва кичик шаҳарлар 3 табакага, шаҳарчалар 2 табакага бўлиб чиқилди. Ҳар бир табакага алоҳида солиқ мейёрлари ҳисобланди. Ҳисоб-китоб ишлари катта меҳнат талаб қилган бўлса-да, бу усул тўғри деб ўйлайман. Чунки, унда ижтимоий адолат деган муқаддас тамойилга амал қилинган.

Фуқаролар ўзларига ажратилган ер участкаларининг ҳар бир квадрат метри учун тўлайдиган ер солиғи Тошкент шаҳри бўйича 0,41—1,79 сўм. Самарқанд, Бухоро, Фарғона, Урганч, Андижон каби йирик шаҳарларда (4 табака) 21 — 23 тинг, ўрта ва кичик шаҳарларда (3 табака) 14 — 27 тинг, майда шаҳарларда 11 — 24 тинг, туман маркази бўлган шаҳарча ва қишлоқларда 11 — 20 тинг оралиғида белгиланган.

Масалан, Тошкент шаҳрининг 7-табақасида жойлашган 0,06 гектар, бошқароқ айтсақ, 600 кв. метр ер участкаси учун фуқаролар йилига 690 сўм, Бухоро шаҳрининг 2-табақасидаги худди шундай участкага 162 сўм ер солиғи тўлашлари керак. Бу солиқни йилга бир мартада тўлиқ тўлаш шарт эмас, икки-учга бўлиб тўлаш ҳам бўлади.

«Бу микдордаги солиқ оми ёки кўпми?» деган савол туғилса, Бизнинг мухтаassisларимиз Тошкент шаҳридаги бир қатор хонадонларнинг ер участкаларини амалда фойдаланувчилар ўрганиб чиққан эди. Унинг натижаларига кўра, мисол учун, Юнео-

собидаги яшовчи хонадон соҳибини 400 кв. метр ер майдони учун тўлайдиган солиқ микдори шу участкадан олинган даромадининг 0,5 — 1,0 фоизини ташкил қилди, ҳолос.

— Республикамиз ер майдонларининг асосий қисми яилволардан иборат. Ердан ташқари, лалми ерлар мавжуд. Улардан фойдаланувчи корхона-ташкилотлар ва фуқаролар учун ер солиғи микдорлари қандай?

— Қишлоқ ҳўжалигида фойдаланиладиган яилвол ва лалми ерлар учун ҳўл, адир, тоғли зоналарга бўлиган ҳолда солиқ мейёрлари белгиланган. Қишлоқ ҳўжалиги корхона ва ташкилотлари яилвол ерлардан фойдаланган учун тўлайдиган солиқ мик-

қаб ҳолат Тошкент шаҳрида ҳам содир бўлди.

— Бу қарорларнинг қорхоналар ҳам тегишли жоний борми?

— Албатта.

— Унда Тошкент ва Янгийўл шаҳарларида ижарага ер майдони олганларнинг ҳоли ва ёки экан-да?

— Мана, қўлимда Тошкент шаҳар ҳокимиятининг 1995 йил 6 январда чиқарган 8-сонли қарорининг 14-зонаси бўйича бир гектар ер майдони учун 448 300 сўм ер солиғи тўлашлари лозим бўлгани ҳолда ижарага ўтказилган корхона, ташкилотлар ва муассасалар 1.755 600 сўм, яъни 3,9 марта кўп; ҳалқ истеъмол моллари ишлаб чиқарувчи тижорат-ишлаб чиқариш корхоналари 3.511 200 сўм, яъни 7,8 марта кўп; тижорат тузилмалари 5.852 000 сўм, яъни 13,1 марта кўп ижара ҳақи тўлашлари лозим бўлади. Энди Янгийўлнинг 1-зонаси оилайлик. Бу зона бўйича гектарига 24 630 сўм ер солиғи тўлашлари лозим бўлгани ҳолда корхона-ташкилотлар ва муассасалар 492 600 сўм, яъни ер солиғидан 20 марта кўп, ҳалқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш тижорат-ишлаб чиқариш корхоналари 985 200 сўм, яъни 40 марта кўп, тижоратчи тузилмалар 1477 800 сўм, яъни 60 марта кўп ижара ҳақи тўлашлари лозим бўлади.

Яқинда Давлат солиқ қўмитасига Янгийўлдаги «Лаззат» кондитер маъсулотлари ишлаб чиқариш биносидан ер солиғи микдорининг нега бунчалик юқорилиги сабабини тушунириб бериш ҳақида хат келди. Воқеани ўрганишимизда, ижара тўғрисидаги шартномага кўра, бир-лашма ўн йиллардан бери фойдаланиб келаятган 6 гектар ер майдони учун 1994 йил ҳисо-

бига ер солиғи жами 8100 сўм бўлгани ҳолда 800 минг сўм, яъни ер солиғидан 98,8 марта жами 121 300 сўм бўлгани ҳолда 8.500.000 сўм, яъни 70 марта кўп ижара ҳақи тўлаш лозим экан. Биз бирлашма раҳбарларига ҳокимият нотўғри ҳаракат қилаётганлигини ва илгаригидай ер солиғи тўлаш кераклигини тушунтирдик.

— Ер солиғи тўғрисидаги қонунга биноан тўланадиган солиқ маҳаллий бюджетга — юқоридagi шаҳарлар бюджетига тушади. Шундай экан, уларни ер қончилигига ҳилоф ҳолда ижарага ўтказишдан не ҳолат? Бундан ташқари, бу маблағ қорхона маъсулотлари тананҳарига киритилди. Бу — нархи тилога тенг маъсулотни ким сотиб олади?

— Ҳамма гап шунда-да. Биринчидан, юқоридagi қарорлар ер қончилигига эид Иқкинчилдан, сиз айтгандай, маъсулотлар тананҳарига қимматлаш қиетади, қорхона иқтисодини, тадбиркорликни бўғиб ташлади, ишлаб чиқарилаётган маъсулотлар ҳажмини камайтириб, аҳолининг харид қувватини сусайтирди. Учинчидан, бунақа қорхонага четдан ҳеч қим маблағ сарфламайди, қим фойда оломайди. Тўртинчидан, ҳокимликлар чиқарган қарорларда қўзда тутилган қорхоналарнинг маблағларини бюджетдан ташқари фондларга жалб этиш республика Президентининг 1994 йил 21 январдаги Фармонига ҳам эид.

— Унда юқоридagi сингари қарорларнинг вужудга келишига нима сабаб бўлган?

— Ер солиғини жоний этиш даврида тадқиқотлар ўтказилган. Солиқ мейёрлари илмий ҳулосаларга асосланган ҳолда атайлаб юқори қўйилмаган. Негаки, юқори солиқ мейёрлари ердан тўғри ва самарали фойдаланишни рағбатлантирмайди. Юқоридagi ҳолатда эса фойда кетидан қувши тамойили қўзланган. Масалан, Янгийўл шаҳар ҳокимияти «Лаззат» бирлашмасидан 6 гектар ер учун 8.500.000 сўм ола, 121.300 сўм ер солиғи тўлади ва ҳокимиятининг бюджетдан ташқари фондига 8378700 сўм фойда қолади. Бунақа қорхона, ташкилотлар эса Янгийўлу Тошкентда оза эмас.

— Ҳали имтиёзлар билан боғлиқ ҳолда пайдо бўлаётган муаммолар ҳақида сўз очгандими?

— Ер солиғи тўғрисидаги Қонунда белгиланган имтиёзлардан ташқари вилоят, шаҳар ва туман ҳокимликлари ҳам ўз ваколатлари доирасида, мавжуд имкониятлардан келиб чиққан

вақоли сусайтирди. Учинчидан, бунақа қорхонага четдан ҳеч қим маблағ сарфламайди, қим фойда оломайди. Тўртинчидан, ҳокимликлар чиқарган қарорларда қўзда тутилган қорхоналарнинг маблағларини бюджетдан ташқари фондларга жалб этиш республика Президентининг 1994 йил 21 январдаги Фармонига ҳам эид.

— Унда юқоридagi сингари қарорларнинг вужудга келишига нима сабаб бўлган?

— Ер солиғини жоний этиш даврида тадқиқотлар ўтказилган. Солиқ мейёрлари илмий ҳулосаларга асосланган ҳолда атайлаб юқори қўйилмаган. Негаки, юқори солиқ мейёрлари ердан тўғри ва самарали фойдаланишни рағбатлантирмайди. Юқоридagi ҳолатда эса фойда кетидан қувши тамойили қўзланган. Масалан, Янгийўл шаҳар ҳокимияти «Лаззат» бирлашмасидан 6 гектар ер учун 8.500.000 сўм ола, 121.300 сўм ер солиғи тўлади ва ҳокимиятининг бюджетдан ташқари фондига 8378700 сўм фойда қолади. Бунақа қорхона, ташкилотлар эса Янгийўлу Тошкентда оза эмас.

— Ҳали имтиёзлар билан боғлиқ ҳолда пайдо бўлаётган муаммолар ҳақида сўз очгандими?

— Ер солиғи тўғрисидаги Қонунда белгиланган имтиёзлардан ташқари вилоят, шаҳар ва туман ҳокимликлари ҳам ўз ваколатлари доирасида, мавжуд имкониятлардан келиб чиққан

вақоли сусайтирди. Учинчидан, бунақа қорхонага четдан ҳеч қим маблағ сарфламайди, қим фойда оломайди. Тўртинчидан, ҳокимликлар чиқарган қарорларда қўзда тутилган қорхоналарнинг маблағларини бюджетдан ташқари фондларга жалб этиш республика Президентининг 1994 йил 21 январдаги Фармонига ҳам эид.

— Унда юқоридagi сингари қарорларнинг вужудга келишига нима сабаб бўлган?

— Ер солиғини жоний этиш даврида тадқиқотлар ўтказилган. Солиқ мейёрлари илмий ҳулосаларга асосланган ҳолда атайлаб юқори қўйилмаган. Негаки, юқори солиқ мейёрлари ердан тўғри ва самарали фойдаланишни рағбатлантирмайди. Юқоридagi ҳолатда эса фойда кетидан қувши тамойили қўзланган. Масалан, Янгийўл шаҳар ҳокимияти «Лаззат» бирлашмасидан 6 гектар ер учун 8.500.000 сўм ола, 121.300 сўм ер солиғи тўлади ва ҳокимиятининг бюджетдан ташқари фондига 8378700 сўм фойда қолади. Бунақа қорхона, ташкилотлар эса Янгийўлу Тошкентда оза эмас.

— Ҳали имтиёзлар билан боғлиқ ҳолда пайдо бўлаётган муаммолар ҳақида сўз очгандими?

— Ер солиғи тўғрисидаги Қонунда белгиланган имтиёзлардан ташқари вилоят, шаҳар ва туман ҳокимликлари ҳам ўз ваколатлари доирасида, мавжуд имкониятлардан келиб чиққан

вақоли сусайтирди. Учинчидан, бунақа қорхонага четдан ҳеч қим маблағ сарфламайди, қим фойда оломайди. Тўртинчидан, ҳокимликлар чиқарган қарорларда қўзда тутилган қорхоналарнинг маблағларини бюджетдан ташқари фондларга жалб этиш республика Президентининг 1994 йил 21 январдаги Фармонига ҳам эид.

— Унда юқоридagi сингари қарорларнинг вужудга келишига нима сабаб бўлган?

— Ер солиғини жоний этиш даврида тадқиқотлар ўтказилган. Солиқ мейёрлари илмий ҳулосаларга асосланган ҳолда атайлаб юқори қўйилмаган. Негаки, юқори солиқ мейёрлари ердан тўғри ва самарали фойдаланишни рағбатлантирмайди. Юқоридagi ҳолатда эса фойда кетидан қувши тамойили қўзланган. Масалан, Янгийўл шаҳар ҳокимияти «Лаззат» бирлашмасидан 6 гектар ер учун 8.500.000 сўм ола, 121.300 сўм ер солиғи тўлади ва ҳокимиятининг бюджетдан ташқари фондига 8378700 сўм фойда қолади. Бунақа қорхона, ташкилотлар эса Янгийўлу Тошкентда оза эмас.

— Ҳали имтиёзлар билан боғлиқ ҳолда пайдо бўлаётган муаммолар ҳақида сўз очгандими?

— Ер солиғи тўғрисидаги Қонунда белгиланган имтиёзлардан ташқари вилоят, шаҳар ва туман ҳокимликлари ҳам ўз ваколатлари доирасида, мавжуд имкониятлардан келиб чиққан

Ибодулла ЎСАРОВ суҳбатлашди.

• Мухбиримиз бонг уради!

Бугунги кунда аҳолини сўйиш ва сўт маҳсулотлари билан таъминлашда ҳамма гап наслчилик хўжалиқларида, уларнинг бозор муносабатларига ўтилаётган, иқтисодий ислохотлар кун сайин чуқурлашаётган ҳозирги шарт-шароитларга нечоғли мослашаётганлигига боғлиқдир. Афсуски, жойлардаги катор наслчилик жамоалари ўз вазифаларини уddалай олишмаяпти.

РОМИТОН туманидаги «Шўрчи» жамоа хўжалигининг наслчиликка ихтисослашган «Дўстлик» ҳиссадорлик жамияти ҳам ана шундай, ўз масъулиятини сезмаётган хўжалиқлардан биридир. Жамоа дарвозасидан кирвешингиз билан ҳайҳотдек хувиллаб ётган биноларга, ҳар бирининг сизими 800 тонналик тўртга ўрага кўзингиз тушади. Афсуски, уларнинг ҳаммаси бўм-бўш.

Ферма ҳиссадорлик жамиятига айлантирилганига ҳам икки йил тўлаётти. Ушанда жамоада 288 бош қорамол бор эди. Уларнинг 153 таси соғин сигирлар бўлган. Бугун-чи? Хош ишонинг, хош ишонманг, уларнинг сони 244 тага тушиб қолди. Соғин сигирлар эса бир жойда депсиниб туришибди: 153 тадан биттага кўпайгани ҳам, озайгани ҳам йўқ.

Эҳ, аттанг! Бу бечораларнинг тили йўқлиги чатоқ-да. Бўлмаса сабабини, айбдорларни шартта-шартта айтиб қўя қолармиди.

Биз бу ерга келганимизда кундуз соат 11 лар эди. Ишонсангиз, на жамият раиси Қаҳрамон Муяссаровни, на ферма мудирини бош ҳисобчини топа олдик. Шунинг ўзидек жамоада тартиб-интизом йўқли-

гини кўрсатмайдими? Бўлмаса ҳамроҳимиз, Бухоро вилояти наслчилик бирлашмасининг Ромитон тумани бўйича назоратчиси

дик. Аммо у елка қисади, холос.

Кейин билсак, бу ердаги 153 та сигирдан бор-йўғи 65 таси соғилаётган экан. Мен бу соҳанинг пири эмасман, лекин мутахассислар фикрича, 100, бош сигирдан 70-80 таси соғилиши керак экан.

Жониворларнинг қорни ичига қапишиб ётибди. Соғмондан бошқа егулик озу-

майдон. Тан олиш керак, ерларимиз унумсиз. Бизни сув муаммоси қийнаб турибди. Қолаверса, ҳиссадорлик жамияти ҳали бизга асосий воситалар учун бир тийин ҳам тўлагани йўқ. Зеро, ҳар йили 10 фоиздан тўлаб, 10 йилда қарзини узиши керак.

Ҳа, аҳвол кўриб турганингиздек давом этаверса, охири нима билан тугаши номаълум.

Хўш, наслчилик хўжалигининг вази-фаси нима? Албатта, насли молларни тайёрлаб сотиш. Бу ерда тайёрлаб сотиш у ёқда турсин, қорамоллар сони камайиб бораётти. Фермада насли буқалар йўқ ҳисоби. Сигирлар тўйиб озуқа емаса, омхта ем

бўлмаса, қандай қилиб ҳам насл берсин. Тўйиб сўт ичмайдиган бузоқнинг келажиги эса...

Ахир, ҳар бир бош сигирдан икки литрдан сўт соғиб олиш нима деган гап? Бу бир йилда 800 литрга ҳам етмайди-ку?! Бундай иш тутиш на иссиғи, на совуғида ҳаловат бор, умри чўлу тоғлар бағрида ўтадиган чўпону чорвалор дея аталмиш шарафли касб эгалари юзига оёқ босиш эмасми?!

Сўнгги сўз ўрнида шунга таъкидлашни ҳам истардикки, раис бизга фақат бир хусусда эътироз билдиришлари мумкин. У ҳам бўлса, жамоада сунғий қочирини ишлари озми-кўп йўлга қўйилганлиги. Лекин бу борада ҳам сонга эмас, сифатга эътибор бериш зарур!

Маннон ОТАБОЙ,
«Халқ сўзи» мухбири.
Бухоро вилояти.

НЕГА РАИС ҲАМ ОЛИБ ҚОЧДИ?

Чунки «Дўстлик» ҳиссадорлик жамиятида ҳар бош сигирдан бор-йўғи икки литрдангина сўт соғиб олинаётти-да!

Асқар Ҳожиевнинг сўзига қараганда, «Халқ сўзи» мухбирининг келиши шахсан ҳиссадорлик жамияти раиси Қ. Муяссаровга маълум қилинган.

Биз ундан нима учун сигирлар икки йил давомида 153 та бўлиб турганини, қорамоллар сони 44 тага камайганини, 3200 тонналик силос ўралари бўм-бўш ётганлигини сўрамоқчи эдик. Саволларимиз жавобсиз қолди. Эҳтимол, раис ҳар бир бош сигирдан атиги икки литрдан сўт соғиб олинаётганлигидан уялиб, ўзини олиб қочганидир. Эҳтимол... бошқа гап бордир.

Яхшиямки, ҳиссадорлик жамиятида ветфельдшер вази-фасида ишлаётган Равшан Очиловга дуч келиб қолдик. У кишидан 1200 та қорамолга мўлжалланган фермада атиги 244 бош мол боқилаётгани ҳақида сўра-

қа йўқ. Фақат соғиладиган сигирларгагина тушгача ярим тележка, тушдан кейин яна шунча кўк ўт келтирилган экан.

Очиловнинг айтишича, ферма олдидаги 5 гектарлик эски бедапоядан биринчи ўроқда атиги 2 тележка кўк ўт олинган, холос. У киши ҳиссадорлик жамияти қанча ерга эга эканлигини аниқ айтиб беролмади. Очғи, ҳиссадорлик ҳақида умуман тасаввурга эга эмас.

Аслида, амалдаги қонун-қоидага кўра, жамоага 90 гектар ер берилиши керак...

— Биз имкониятимиздан келиб чиқиб, уларга январь ойидан бошлаб 60 гектар ер ажратганмиз, — дейди «Шўрчи» жамоа хўжалигининг бош ҳисобчиси Асқар Рамазанов. — Унинг 23 гектари эски ўт бўлса, 37 гектари янги ўт экилган

БИРДАМПИҚДА ҲИҚМАТ КЎП

Навоий тоғ-металлургия комбинатига қарашли «Дўстлик» давлат хўжалиги деҳқонлари далада етиштирилаётган ёзги поз-неъматларни ўзларида қайта ишлашни ўрнатди.

Айни пайтда хўжалик қошида бир қанча консерва пехлари ишлаб турибди. Уларда тайёрланаётган турли шифобахш ичимликлар ва бошқа табиий неъмат шарбатлари сархил мевалар билан бирга қончиларга пешма-пеш етказиб берилмоқда. Хўжалик саноатчилари кўшни жамоа далаларида етиштирилган сабзавот ва мева маҳсулотларини ҳам жонжон деб қабул қилиб олишяпти. Бундан кўшни деҳқонларнинг хурсандчилиги чексиз. Чунки ҳар йилги сўнгсиз оворая сарсончиликлар ва ёзги неъматларнинг нобудгарчилигига йўл қўйилмаяпти.

Шунингдек, «Дўстлик» давлат хўжалиги тадбиркорлари даладан йиғиб олинган бугдойни шу ернинг ўзида ун қилиш мақсадида катта тегирмонни қуриб ишга туширдилар. Соғитга 200 килограмм ун тайёрлаб берилган мазкур тегирмон қошида эса бирийўла иккита новойхона фаолият кўрсата бошладилар.

Қончилар ҳам ўз навбатида «Дўстлик» аҳлига янаш шароитини яхшилашга яқиндан ёрдам бермоқда. Ҳозир қончилар томонидан хўжаликда 2 та турар жой биноси тезкорлик билан қурилмоқда. Бу иншоотлар фойдаланишга топширилгач, дала меҳнаткашлари ҳам замонавий уй-жой қўлайликларидан тўлиқ баҳраманд бўлишадилар.

Хулоса шуки, қарда ҳамкорлик, бирдамлик бўлса, ўша жойда ютуқ бўлади, ўша жойда муаммо ечим топади. Буни навоийлик қончилар билан хўжалик деҳқонлари мисолида ҳам яққол кўриш мумкин.

Ўқтам ДҮСТЕР,
«Халқ сўзи» мухбири.



Мирзачўл туманидаги Абай номи ширкатлар уюшмасида пахтадан мўл ҳосил етиштириш учун қизғин хураш кетмоқда. Суратда: (чапдан) илгор эвено бошиқларидан Раваданбек Топибадиев, Қомилжон Қосимов ва ширкат раиси Қўчқор Мўлдабековлар далада.

Н. АЛИМҲУРОДОВ олган сурат.

ЎЗБЕКИСТОН - БЕЛОРУС ҚЎШМА КОРХОНАСИ "ЎЗБЕКМАШСЕРВИС"

Тошкентдаги омборхонадан МАЗ туркумидаги автомобилларни, МТЗ экскаваторлари ва тракторларини, автомобиллар ва тракторлар учун бошланғич бутликдаги

Д-243, Д-245, ЯМЗ-238-2М дизель двигателларини сўмда пул ўтказиш йўли билан **СОТАДИ**

Нархлари заводнинг арзон.

Манзил: Тошкент ш., Ш. Руставели кўчаси, 140-уй. Алоқа учун телефон: (3712) 50-06-13.

"Ўзбекмашсервис": Тошкентдаги омборхонадан маҳсулотлар сотади.



"Турон" акциядорлик-тижорат бирлаштирув банки.

Банк лицензияси № 71308, 1990 йил 6 ноябрь.

Мухтарам юртдошлар, тадбиркор ва ишбилармон жаноблар!
Сиз пулларингизнинг қадрини туширмасдан сақлашни хоҳлайсизми?
Унда "Турон" акциядорлик-тижорат бирлаштирув банки Сизларга янги омонат турларини таклиф этади:

"Наврўз" омонати:
Мазкур омонатнинг энг кам суммаси 1000 сўм бўлиб, 90 кун муддатга қўйилади, 36 фоиз устама тўланади.
Фоизлар қўшиш ва тўлаш ҳар чоракда амалга оширилади. Навбатдаги муддат учун фоизларни ҳисоблашда олдин қўшилган фоизлар эътиборга олинади.

Масалан:	Фоизлар қўшилган омонат суммаси			
Омонат суммаси, сўм	90 кунга (сўм)	180 кунга (сўм)	270 кунга (сўм)	360 кунга (сўм)
1000	1360	1849	2515	3421
5000	6800	9248	12577	17105

Агар омонат талаб қилиб олинмаса, у ҳар 90 кунда ўз-ўзидан навбатдаги муддатга расмийлаштирилади. Бунинг учун мижознинг келиши талаб қилинмайди.
Агар мижоз омонатни олиш учун, масалан, 95 - кун келса, қўйилган 1000 сўм омонат учун 1385 сўм олади.

Аҳоли учун депозит омонатлари
Депозит омонатлари бўйича йиллик фоиз ставкалари омонат суммаси ва муддатига қараб белгиланади.

Омонат суммаси (сўм)	90 кунга	180 кунга	360 кунга
100 - 500 гача	йилига 50%	йилига 80%	йилига 100%
500 - 1000 гача	йилига 55%	йилига 85%	йилига 110%
1000 - 5000 гача	йилига 60%	йилига 90%	йилига 115%
5000 - 6000 гача	йилига 70%	йилига 100%	йилига 120%
6000 дан ортиғига	йилига 80%	йилига 110%	йилига 130%

Масалан:	90 кунга	180 кунга	360 кунга
500 сўм:	90 кунга - 500 сўм + 12,5% = 562,5 сўм	180 кунга - 500 сўм + 40,0% = 700 сўм	360 кунга - 500 сўм + 100,0% = 1000,0 сўм
1000 сўм:	90 кунга - 1000 сўм + 13,75% = 1137,5 сўм	180 кунга - 1000 сўм + 42,5% = 1425,0 сўм	360 кунга - 1000 сўм + 110,0% = 2100,0 сўм
5000 сўм:	90 кунга - 5000 сўм + 15,0% = 5750,0 сўм	180 кунга - 5000 сўм + 45,0% = 7250,0 сўм	360 кунга - 5000 сўм + 115,0% = 10750,0 сўм
6000 сўм:	90 кунга - 6000 сўм + 17,5% = 7050,0 сўм	180 кунга - 6000 сўм + 55,0% = 9000,0 сўм	360 кунга - 6000 сўм + 100,0% = 13200,0 сўм
6000 сўмдан ортиғига:	90 кунга - 6100 сўм + 20,0% = 7320,0 сўм	180 кунга - 6100 сўм + 55,0% = 9455,0 сўм	360 кунга - 6100 сўм + 130,0% = 14020,0 сўм

Шунингдек, "Турон" АТБнинг жамғарма кассалари:

- * ойлик иш ҳақларини "талаб қилиб олингунча" номли омонатлар орқали йилига 40 фоиз ҳисобидан устама қўшган ҳолда тўлаш;
- * коммунал ва бошқа тўловларни қабул қилиш;
- * Ўзбекистон Республикаси ҳудудида фуқароларнинг омонатларини ўтказиш;
- * шартнома асосида омонатларга қабул қилиш ва дивидендлар тўлаш операцияларини ҳам амалга оширади.

Сиз "Турон" банкнинг депозит (жамғарма) сертификатларини сотиб олишга улгурмадингизми? Ҳеч ташвишланманг!

"Турон" акциядорлик-тижорат бирлаштирув банки аҳолига 3 ой муомалада бўладиган Депозит (жамғарма) сертификатларини сотишни давом эттирмоқда.

Агар сиз 1000 сўмлик Депозит (жамғарма) сертификатини сотиб олсангиз, уч ойдан сўнг 1375 сўмга эга бўласиз.

Қарзлар ўз вақтида тўланмаётгани сизни қийнаб қўйдими?

Унда "Турон" банкнинг Вексели барча мушкулингизни осон қилади!

"Турон" банкнинг Векселлари билан ҳисоб-китоб қилиш жуда қулай!

Бунинг учун Векселнинг орқа томонига ўтказма ёзув (индоссамент) қайд этилса бас, шунинг ўзи кифоя.

Вексел "Турон" АТБнинг барча филиалларида тўловга қабул қилинади ва икки кун мобайнида тўланади.

Бизнинг муддатли Векселимизни сотиб олгач, Сиз:

- * бўш пул маблағларингизни 7 кундан 180 кунгача бўлган ҳар қандай муддатга банкка қўйиш;
- * 150 % гача фойда олиш;
- * олинган фойдадан бор-йўғи 15% солиқ тўлаш;

Шунингдек, Сизларга:

- * малакали мутахассисларимиз қимматбаҳо қоғозлар бозорида турли хизматлар кўрсатадилар;
- * Банк ҳазурида Миллий депозитарий филиали фаолият кўрсатмоқда. Унда эмитентлар ва жисмоний шахсларнинг қимматбаҳо қоғозларини рўйхатдан ўтказиш ва сақлаш мумкин. Қимматбаҳо қоғозларни Миллий депозитарий филиалида рўйхатдан ўтказиб, сиз жисмоний шахслар фонд магазини орқали Акциядорлик жамиятларининг акцияларини харид қилишингиз ва сотишингиз мумкин;

"Турон" банкнинг Векселлари Сизга ҳар кун фойда келтиради.

- * брокерлик хизматидан фойдаланиб "Тошкент" фонд биржасида қимматбаҳо қоғозларни сотиш-харид қилиш бўйича операциялар ўтказишингиз мумкин;
- * булардан ташқари, Банк Сизга акция бланкаларини тайёрлашда ёрдам беради.

Қўшимча маълумотлар учун қуйидаги манзилга мурожаат қилинг:
Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 44-уй, тел.: 42-23-85, 42-28-87.

"Турон" АТБнинг филиаллари:
Самарқанд ш. - Мирзо Улуғбек кўчаси, 62. Нукус ш. - Ш. Рашидов к., 25.
Бухоро ш. - Жарқас к., 3. Фарғона ш. - Шодиев к., 150.
Андижон ш. - Октябрь к., 214. Термиз ш. - Акмал Икромов к., 11.
Навоий ш. - Кармана ш., Кармана к., 63. Наманган ш. - Охунбобоев к., 66. Урганч ш. - Хонқа к., 104.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг девонига жамоаси девон масъул ходими Еркул Мухторовга отаси **Еркул ХАМИДОВ**нинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор қилади.
«Ўздавнефтьмаҳсулот» ҳиссадорлик бирлашмаси жамоаси Қашқадарё вилояти нефть маҳсулотлари таъминоти корхонаси директори Уринбосари Шоди Номозовга отаси **Маждид НОМОЗОВ**нинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.
Ўзбекбирлашув бошқаруви «Ўзкоопушма» ижроия қўмитасининг раиси **Мубашир МУБАРОВ**нинг бевақт вафот этганлиги муносабати билан унинг оиласига, қариндош-уруғларига чуқур таъзия изҳор этади.

Нажмиддин Кубро таваллудининг 850 йиллиги олдидан

Ислам Шарқи бир бутун маданий-маърифий олам, тафаккур чегара билмас эди. Туронзаминда пайдо бўлган ёдду Эронзаминни ҳам ёритаверар, Эронда йилат этган чироқ Туронда ҳам нур таратарди.

Шу маънода Фариддин Аттордек буюк соҳиб маънавиятнинг камолга етишуви ҳам бевосита Турон билан боғлиқ. Эронлик бу машур шайх ва шоирнинг тулки исми — Абу-хумид Фариддин Муҳаммад бини Иброҳим Аттор Нишопурий. У XII асрнинг иккинчи ярми ва XIII асрнинг биринчи чорагида яшаб, ижод этган. Аттор форсий адабиётнинг энг сермахсул намоёндаларидан бири ҳисобланади. Бу ҳақда Алишер Навоий «Насойим ул-муҳаббат...» тазкирасида шундай ёзди: «Ва ҳазрати шайхи бузургворнинг наму насадин мусаннафоти (ёган асарлари. — С. О.) беҳад кўптур. Улча эл аро-сида ҳоло мавжуд бор, назмлари юз йигирма минг байт тахминан бўлган...». Агар Навоий «Хамса»сининг 25 минг байтдан сал кўпроқ эканини инобатга оласак, Аттор шеърини ҳажман Навоий «Хамса»сига нисбатан қарийб беш баравар кўп экан.

Назмида бу шоирнинг «Хусравнома», «Асрорнома», «Ман-тиқ ул-тайр», «Мусибатнома», «Жавоҳирнома», «Шарх ул қалб», «Илоҳийнома» деган достонлари ва «Девон»и машур. Назмда авлиёлар ҳақида ёган «Тазкират ул-авлиё»си — тасавуф тарихини урганиш борасида энг мўтабар манбалардан бири. Шоир булардан ташқари «Панднома», «Уштурунома», «Бесарнома», «Булбулнома», «Мазҳар ул-аждоий», «Васлатнома», «Синома» каби асарлар ҳам битти.

Фариддин Атторнинг юртимиз, анжирок, маънавиятимизга алоқамандлиги икки йўл билан кечди.

Маълумки, Туронзаминда тасавуфнинг уч мустақил тарикати пайдо бўлди ва шу ердан дунёнинг кўп мамлакатларига тарқалди. Булар — ясавия, кубравия ва нақшбандия.

Кубравия шу тарикат асосчиси — Шайх Нажмиддин Кубро ҳаётлиги чоғидаёқ ўзини кўп издошлар тушлаган, тез орада Хоразм ҳўдуларидан жуда узоқ ерларга тарқатган эди.

Шайх Фариддин Аттор ҳам ана уша Нажмиддин Кубро ҳаётлиги маҳали яшаган кубравия тарикатининг йирик вакилларидан бири. Лекин у Нажмиддин Кубронинг бевосита эмас, «Илоҳийнома» муриди. Чунки у Нажмиддин Кубронинг муриди бўлиши Маждиддин Багдадийнинг муриди.

Тасавуфда сўфий, албатта, қай бир пирга мурид тушиши шарт. Лекин айримлар бир неча пирга мурид тушишлари, турли тарикатдаги шайхлар тарбиясини олишлари мумкин. Шу маънода Маждиддин Багдадий Фариддин Атторга кубравия тарикати йўл-йўриқларидан таълим берган. Лекин тасавуфда олдин яшаб, ўтиб кетган қай бир шайхнинг руҳи келиб тарбия бериши ҳодисаси ҳам бор. Масалан, Баҳоуддин Нақшбандга Абдулоҳиқ Гўлдувоний руҳи, Абдурахмон Жомийга Баҳоуддин Нақшбанд руҳи тарбия берган. Шу маънода Фариддин Атторга «Ан ал-Ҳақ», яъни «Мен — Худоман» дегани учун

диндан башорат қилгандек бўлиб туолади. Чунки Аттор — мўғул истилочилари қўлида шахид бўлган улуг шайхлардан бири.

Шайхлар орасида шарҳ бўлганлар жуда кўп. Улар ҳақида бир махсус рисола ёса бўлади. Биласиз, Нажмиддин Кубро ҳам юртни боқинчилардан ҳимоя қилиш учун бевосита жангга кириб, мўғуллар қўлида шахид бўлган эди. Фариддин Атторга ҳам тақдир ана шундай-ўз тарихи асосчиси бўлган улуг пир каби ҳаётдан кўз юмишни раво

Аттор билан боғлиқ яна бир ривоятни эслаш ўринлидир. Нишопур шаҳри қози ул-қузотининг ўғли отасига: «Мен вафот этсам, Фариддин Аттор оёқлари тарафига қўмдиринг», — деб васият қилди. Ўғли дунёдан ўтганидан кейин отанинг ман-дидлиги туғди: «Кимсан — қози ул-қузотининг ўғли бўлиб қўйилганими?» — деб, ўғлини бошқа «тузук» ерга дафн эттирди. Лекин кўп ўтмай туш қўрди. Тушида бир гуруҳ машур шайхлар Аттор қабрига эҳтиром қилар эди-

қўшди. Ана шу қўшимчаларнинг асосийсини у бевосита Атторнинг «Тазкират ул-авлиё»си-дан олган. Бу ҳақда Навоийнинг ўзи шундай ёзди: «То таърих тўққуз юз бирлаки, ул китобни-н таълифини (ёзилганидан. — С. О.) йигирма йил ўтуб эрди, Тангри таоло тавфиқи билра бу улуг ишга илик урдум ва бу азим амрга қалам сурдум ва ҳазрати Шайх Фариддин Аттор битиган «Тазкират ул-авлиё»дин баъзи кибори машоайхким, «Нафаҳот ул-унс...»га дохил бўл-майду эрди, ҳар қойсини муно-сиб маҳалда дохил қилдим. Навоий яна ҳинд шайхлари ва турк шайхлари, яъни ясавия тариқати вакиллари ҳақида ҳам қўшимча маълумотлар киритганини айтади. Демак, «Насойим ул-муҳаббат...»нинг яъни ясавия тариқатида Атторнинг тазкираси энг асосий манбалардан бири бўлиб хизмат қилган.

Навоий «Насойим ул-муҳаббат...»нинг у ер-бу ерида Аттор тазкирасини эслаб ўтди, айрим шайхлар ҳақида батафсил маълумот олмақчи бўлганлар ана шу «Тазкират ул-авлиё»ни ўқишлари мумкинлигини билдириб боради. Шундан ҳам қўшимча, «Насойим ул-муҳаббат...» таълиф бўлаётган пайтда Аттор асари ҳам Навоийнинг ёнида турган. Масалан, Увайс Қараний ҳақида гап бораётганда шундай ёзилди: «Ва бу маънида сўз кўптур. Шарҳ бизла билайин деган киши «Тазкират ул-авлиё»ни ўқусун. Онинг ҳолатини тамоом битиса, яна бир бошқа китоб битимак керак». Еки Абдулоҳ Муборак ҳақида Жомий «Нафаҳот ул-унс...»да алоҳида фасл ажратмайди, фақат у билан боғлиқ бир воқеа Саҳл бинни Али ал-Марвазий ҳақидаги фаслда эсланади, холос. Навоий бу шайх хусусида Аттордан маълумот олиб, китобига киритади. «Насойим ул-муҳаббат...»да бу даявони исботловчи ишора ҳам бор: «Анинг манокби зикрин тилган киши ҳазрати Шайх Фариддин Атторнинг «Тазкират ул-авлиё»сида тиласунки, во-фий (кенг, батафсил. — С. О.) битибтур».

«Насойим ул-муҳаббат...» ёзилаётганда ҳали Навоий «Лисон ул-тайр» дostonини яратмаган эди. «Мантиқ ул-тайр»даги энг йирик ҳикоят — Шайх Санъон ишқи ҳақида. Бу «Лисон ул-тайр»да ҳам ана ўшандай батафсилликда берилган.

«Насойим ул-муҳаббат...»нинг Шайх Санъон ҳақидаги фаслида Навоий Атторнинг «Мантиқ ул-тайр»идан батафсилроқ ўқиб олишни эслатади: «Анинг бузур-религин ҳазрати шайх Фариддин Атторнинг «Мантиқ ул-тайр» отлиқ китобини ўқуган киши билур, Ишқ муҳаббат баҳрининг таъбири ва шавқу ма-ломат оташқаласининг саман-лари эрқандур... Бовужуди бу бийик маротиб улча ишқ ошу-бинди ва муҳаббат лағадқуб-дин, Шайх бошига тушубтур, анинг абнойи хисига йўқим, ҳеч бани одамга тушмаганини «Мантиқ ул-тайр» китобини ўқуса, маълум қилур».

Нажмиддин Кубро — Фариддин Аттор — Алишер Навоий вобасталиги ана шундай. Аттор бир ҳалқа янглик Навоийни бевосита Куброга ҳам боғлаб турди.

Бу вобасталиклардан умум-маънавиятимиз кўп футуҳлару файзу баракот топгани рост.

Султонмурод ОЛИМ, халқаро Аҳмад Ясавий мукофоти соҳиб.

Назм гулшани

НЕТАЙ, ЮРАК МЕНИКИ-ДА, МУҲАББАТ ҲАМ МЕНИКИ БУТКУЛ...

ТУГУН

Тушларимда ҳар оқшом Оқшум бўлиб учаман. Билмаманки уша дам Ёдингизга тушаман.

Тушлардан чиқмас садо, Хайларим узундир. Бу дунё ажиб дунё, Сон-саноксиз туғундир.

Не борлиги айёмас Шу тушлар ичиди. Севим ошкор этолман, Ҳамма гапим ичиди.

Менинг қалбим тилсимдир, Суларим бошқа олам. Хайларим дўстимдир, Кўзимга чиқмас полам.

Бир гунча бор кўксимда Авайлаб яшайман. Жилмайган ер остидан Сизга кўз ташлаярман.

Бировнинг туғунини Берухсат ечмагайлар. Муҳаббатининг майини Ҳовучлаб ичмагайлар.

Парвона бўлмагайман Ишқ ўтдида қуйсам ҳам. Гул каби сулмагайман Сизни жондек суйсам ҳам.

ҚАЙТИШ

Сиз устимдан кулсангиз майли, Мен ҳеч қачон таъна қилмайман. Бой берилган эрким туғайли Энди сиздан гина қилмайман.

Кўз ёшимни кўрмайсиз бошқа, Унсиз кулб, унсиз йилгайман. Мен арзимни айтаман тошга, Лекин сиздан гина қилмайман.

Кўчаларни тўлдириб кулинг, Кўзларимни кўйдан узмайман.

Қизларимдаги гуллари юлинг, Сиздан сира аразламайман.

Сабабини бўраманг зинҳор, Нималигини ўзим билмайман. Беваеринг тўйгунча озор — Ҳечам сиздан аразламайман.

Юрагимга ёприкса қуноқ, Шамолларни қарғаб йилгамайман. Қушлардан ҳам ранжишим мумкин — Фақат сиздан гина қилмайман.

ҚИЗЛАРИМНИНГ САРПОСИ

Қизларимнинг сарпоси Сандиғимнинг сиридир. Ҳур умримнинг хатоси Ун гулгимнинг биридир.

Бекаликнинг тахтини Ҳеч босмаган излар кўп. Оналикнинг бахтини Қашф қилмаган қизлар кўп.

Кўзларимда андиша, Хонадоним ёримдир. Йўларимга ҳамини Болам иптисоримдир.

Ун тўрт кулик ой каби Оралашиб тушаман. Қизларим қанзагу Мен малика бўламан.

Бекаликнинг тахтини Ҳеч босмаган излар кўп. Оналикнинг бахтини Қашф қилмаган қизлар кўп.

Бўла қолсин тўйлари, Қизлар қўшқонотлидур. Чақалоқнинг бўйлари Гул исидан тоғлидур.

Узун тунда боласи Йилгаб-йилгаб кўйдурсин. Қизларимнинг сарпоси Ўз-ўзига буюрсин.

Замира ЭГАМБЕРДИЕВА.

Маданият

Янгликлар

«ЭКСТРАСЕНС»

С. Хўжайиёзов номли Қорақалпоқ ёш томошбинлар театри ўзининг яна бир туғфаси билан санъат шайдо-ларини хушнуд этди.

«Экстрасенс» — театр жа-моваси томонидан сахналаш-тирилган наъбатдаги спекта-кль шундай номлади. Исти-дорли қорақалпоқ ёзувчиси Сайловбой Жумагулов асари асосида сахнага қўйилган иш-бу комедияда пулга тузоқ қўйган баъзи бир фирибгар-лар аччиқ ҳажв тигига илани-ди. Айрим содда, ишонувчан кишиларнинг ёрдами билан дастлаб сохта «табиб»ларни-нг иши қўлдан-қўлга юршиб бораётгандай туюлади. Ле-кин, «елгонинг умри қисқа» деганларидек, ҳар қандай ка-салликларни муолажа қилиш даявосини қилиб юрган маз-кур фирибгарларнинг иши охири «вой» билан тугайди.

Ичакудди тафсилотларга бой асарини театрнинг тажри-бали режиссёри Реймбой Ту-раниёзов сахналаштираган. Ҳайитбой АБДУСОДИҚ, «Халқ сўзи» муҳбири.

ЁЗГИ ТАЪТИЛ МАРОҚЛИ ЎТМОҚДА




Болаларимиз учун ёз фасли — энг сенглик фасл десак, асло янглишмаган бўламиз. Чунки худди шу фаслда чў-милиш ҳавзалари, оромгоҳлар, бегу-бор, тоза ҳавога бой қир-адиру тоғлар уларга ўз бағрини очди. Бу даврлар улардан бахтли одам бўлмайди гўё.

Бу йил Самарқанд вилоятдаги 33 та ёзги дам олин ва соғломлаштириш оромгоҳи 22 минг болакайни ўз бағрига олади. Шу мақсадда бу мавсумга вилоятдаги «Ситора», «Строитель», «Мусаффо» каби оромгоҳлар яхши тайёргарлик кўрдилар. Бу, айнисека, биринчи давра дам олин боқичида яққол кўзга ташланди. Оромгоҳларда овқатланиш, гузал табиат қўйнига саё-ҳатлар уюштириш, турли-туман қиз-қарли уйлар ташкил қилиш каби талбирлар юксак даражада амалга оширилади.

Болаларнинг мароқли дам олиш-лари учун вилоят бўйича 15 миллион сўм мабла талаб қилинади. Унинг 8 миллион 900 минг сўми давлат ижти-моий сугурта бюджети ҳисобидан қоп-лангани кўзга тутилмоқда.

СУРАТЛАРДА: ёз — ўтмоқда сўз. Т. НОРКУЛОВ (ЎЗА) олган суратлар.



"БОБУР" САВДО УЙИ
Тракторлар, қишлоқ хўжалиги машиналари, юк ва енгил машина эҳтиёт қисмларини:
Кесичи ва пурқаш ускуналари, алмашинувчи машина деталлари мажмуаси, автошиналар, қишлоқ хўжалиги машиналари аккумуляторлари ва бошқа
РОССИЯ, БЕЛОРУС, УКРАИНА
маҳсулотни бўлган турли хил техника эҳтиёт қисмларини
ТАКЛИФ ҚИЛАДИ.
Юқори сифатли (ҳажми 175х3500 мм, қалинлиги 16 мм. бўлган) ДСП қурилиш материали етказиб бериш бўйича шартнома тузамиз.
Бир партияни энг оз миқдорда 1 вагон.
Манзил: Тошкент шаҳри, Қатортол кўчаси, 60-уй, 704, 706, 713-хоналар.
Тел./факс: 78-31-11.

ЖАНОБ ТАДБИРКОРЛАР!
ВАН
ЎзБат А.Ж. кўшма корхонаси
ҳаммани ўзаро фойдали ҳамкорликка чақиради.
Тошкентдаги бош офис телефони: 34-10-44.
Халқаро факс: (7 3712) 89-12-12, маҳаллий факс: 34-10-43.
Тошкент тамаки фабрикаси телефонлари: 35-10-61, 35-30-90.
Ферментация заводлари телефонлари: Самарқандда: (3662) 31-10-85.
Ургутда: 31-08-62.

ХАЛҚ СЎЗИ
НАРОДНОЕ СЛОВО

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Кенгаши ва
Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси
Бош муҳаррир:
Анвар ЖҲАБОВЕВ.

БЎЛИМЛАР:
Парламент 33-57-34;
Халқаро 33-07-48;
Қишлоқ хўжалиги 36-07-94;
Иқтисодиёт 36-36-65;
Маънавият 36-35-60;
Аxbорот 36-29-89;
Тунги муҳарририят 33-10-28.

• МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 19-уй.
Навбатчи муҳаррир — И. Утбосаров.
Навбатчи — А. Абдурахмонов.